

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ВА
ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

АЛИМОВ МУРОДҚОСИМ АЧИЛОВИЧ

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИН ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Алимов Муродқосим Ачилович Ўсимликлар карантин хизмати фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш.....	3
Алимов Муродқосим Ачилович Совершенствование организационно-экономических основ службы карантина растений.....	27
Alimov Murodqosim Achilovich Improving the organizational and economic basis of the plant quarantine service.....	
Эълон қилинган ишлар рўйхати.....	
Список опубликованных работ.....	
List of published works.....	

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ВА
ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

АЛИМОВ МУРОДҚОСИМ АЧИЛОВИЧ

**ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИН ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ
ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.2.PhD/Iqt2718 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази” да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрхонова Малоҳат Абсаитовна,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Умаров Сухроб Рустамович,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Муродов Шерзод Мурод ўғли,
иқтисодиёт фанлари бўйича доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар
институти**

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2026 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2026 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.О.Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент

Н.С.Хушматов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сайёрамизда кузатилаётган глобал иқлим ўзгаришлари ҳамда турли техноген омиллар аҳолининг сифатли ва экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ва мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни муҳим вазифалардан бирига айлантормоқда. Озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажми ва сифатига салбий таъсир кўрсатаётган омиллардан бири сифатида ер ресурсларининг деградацияси алоҳида аҳамиятга эга. Шунингдек, етиштирилаётган "... озиқ-овқатлар сифатига турли зарарли ҳашаротлар, ўсимликлар касалликлари, сўнги пайтларда пайдо бўлган янги "Covid-19" вирусли касаллиги каби кучли салбий таъсир қилаётган ҳозирги шароитда карантин тизимини такомиллаштириш ва хизмат турларини ривожлантириш долзарб аҳамият касб этмоқда"¹. Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича халқаро конвенция (IPPC) маълумотларига кўра, ҳар йили қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилининг 20–40 фоизи зараркунанда ва касалликлар туфайли йўқотилади, иқтисодий зарар эса 220 млрд. АҚШ долларидан ошади. Мутахассислар фикрича, фитосанитар чора-тадбирларни самарали қўллаш мазкур йўқотишларни 10–15 фоизгача камайтириш имконини беради². Жаҳон амалиётида айнан фитосанитар назоратни кучайтириш, карантин тадбирларини такомиллаштириш ва замонавий ҳимоя усулларини жорий этиш орқали мазкур муаммоларнинг салбий таъсирини камайтиришга эришилмоқда.

Глобал иқлим ўзгариши ва бошқа омиллар салбий таъсирининг кучайиши республикамизда ҳам ўсимликлар карантини хизматларини ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтиришни талаб қилмоқда ва заруриятга айлантормоқда. Бугунги кунда озиқ-овқат халқаро савдо алоқалари кенгайиши оқибатида янги инвазив турлар пайдо бўлиши биологик хавфнинг олдини олиш ва карантин назоратини кучайтириш бўйича халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, назорат жараёнларини рақамлаштириш, сунъий интеллект ва "IT ва рақамли технологиялар" орқали биологик таҳдидларни тезкор аниқлаш, дронлар ва ақлли сенсорлар орқали зараркунанда ёки касаллик тарқалиши мониторингини юритиш ҳамда фитосанитар карантин тадбирларини самарали қилиш борасидаги йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фитосанитар хавфсизлик чора-тадбирлари ва ўсимликлар карантинини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, унда иқтисодий, молиявий, ижтимоий, техник-технологик, норматив-ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни ўзаро боғлиқ равишда ҳал қилиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Бу жараёнда бир қатор мақсадли ва манзилли ислохотлар олиб борилган бўлсада, аммо, бугунги кунда халқаро стандартлар ва сертификациялаш талабларига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш, ички бозорларда сотиш ва ташқи бозорларга экспорт қилиш тизимларига боғлиқ инфратузилмаларнинг талаб

¹ Создание глобальной концепции продовольственной безопасности и питания на период до 2030 года. <https://openknowledge.fao.org/server/api/core/bitstreams/bbe0e136-a5fa-4e91-82e2-788c02bff486/content>

² Создание глобальной концепции продовольственной безопасности и питания на период до 2030 года. <https://openknowledge.fao.org/server/api/core/bitstreams/bbe0e136-a5fa-4e91-82e2-788c02bff486/content>

даражасида эмаслиги ўз навбатида ушбу жараёнларга тегишли инновацияларни жорий этиш, илмий ишланмалар натижадорлиги, мутахассислар малакасини ва манфаатдорлигини ошириш механизмларини такомиллаштиришни талаб этади. Булар ўз ўрнида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозорларга чиқариш орқали аграр тармоқнинг барқарор ривожлантириш имкониятларини яратишга асос бўлиб хизмат қилади. Чунки, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт-импортида ўсимликлар карантини қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг динамик ривожланишини, тенг ҳуқуқли соғлом ва адолатли рақобат шароитларини, шунингдек, миллий бозор, аҳоли ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳит ҳимоясига йўналтирилган ички ва ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23-октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2021 йил 15 июлдаги ПФ-6262-сон “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 31 августдаги ПҚ-3249-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги, 2018 йил 28 мартдаги ПҚ-3626-сон “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши фан ва технологиялар тараққиётининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлар карантини хизмати самарадорлигини ошириш ва тизимини ривожлантириш муаммолари хорижий И.Дюмулен, Н.Джаманкулов, А.Орлинский, Н.Купина, В.Мальцева, Д.Сэдик³ каби иқтисодчи олимлар илмий ишларида ўз ифодасини топган.

³ И.И.Дюмулен. Нетарифные меры в современной международной торговле: некоторые вопросы теории, практика и правила ВТО, интересы России”. // *Мировая экономика*. – № 2 – 2016.; Н.Джаманкулов. Вопросы соответствия системы технического регулирования и СФС мер в ЕАЭС правилам и принципам ВТО. Международный форум по законодательству ВТО 25-27 марта 2015 г. г. Калининград, РФ. – 93-с.; А.Д.Орлинский Р.Арнитис. На страже экономической и экологической безопасности. // *Защита и карантин растений* №4, 2012; Н.Г.Купина. Новый перечень подкарантинной продукции, или Составляющая философии выживания государства. *Таможенная политика России на Дальнем Востоке* № 3(48)/2009. – С.16-21; В.А.Мальцева. Протекционизм в торговле сельскохозяйственной продукцией ЕС-США: оценка переговоров трансатлантического торгового и инвестиционного партнерства”. *Торговая политика. Trade policy / 2018. №2/14.с 132-141.*; Д.Сэдик, К.Ульбрихт, Н.Джаманкулов. Система контроля безопасности пищевой продукции в Европейском Союзе и Евразийском экономическом союзе. *Торговая политика. Trade policy / 2016. № 2/6.*

Ўзбекистонда Ў.П.Умурзоқов, Н.С.Хушматов, К.А.Чариев, А.М.Қодиров, Ш.Муродов⁴ каби иқтисодчи олимлар томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги тармоғига инновация ва инвестициялар жалб қилиш, аграр ресурслардан самарали фойдаланиш, тармоқ экспорт салоҳиятини ошириш муаммолари назарий-услубий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилган ва амалий аҳамиятга молик натижалар олинган.

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш жараёнларида карантин хизматини ривожлантириш йўналишлари Ш.Хўжаев, О.Сулаймонов, Б.Муродов⁵ ва бошқаларнинг ишларида ўрганилган бўлсада, аммо, карантин тизими ва хизматларини рақамлаштириш технология ва усулларини жорий этиш, уларнинг карантин хизматлари самарадорлигига таъсирини баҳолаш ва ошириш бўйича чуқур илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган. Қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, маҳсулотлар сифатини халқаро талабларга мослаштириш ва сертификатлаштириш жараёнларини рақамлаштириш бугунги кунда устувор вазибалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, мазкур тадқиқот мавзуси долзарб аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимликлар карантин хизмати фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар тайёрлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари қуйидагилардан иборат:

ўсимликлар карантини давлат хизматини ривожлантиришнинг моҳияти ва ўсимликчилик маҳсулотларига карантин ҳужжатларини расмийлаштириш жараёнини назарий жиҳатдан ёритиш;

қишлоқ хўжалигида карантин объектлари ва бошқа зарарли ҳашаротларга қарши кураш усулларининг экологик ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш юзасидан тавсиялар тайёрлаш;

ўсимликлар карантини давлат хизматлари фаолияти ва карантин соҳасини малакали мутахассислар билан таъминланишнинг амалдаги ҳолати таҳлиллари асосида ҳулосалар ишлаб чиқиш;

⁴ Ў.Умурзоқов, С.Эшматов. Мева-сабзавотчилик қиймат занжирида вертикал ва горизонтал интеграциянинг аҳамияти. Молиячи маълумотномаси журнали. №8 (68). 2017; Хушматов Н.С. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари// “Агроиқтисодиёт” – Т.: 2008., №3 – 3-7 б.; Қ.А.Чариев, Азизов Ш.Ю. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қийматни яратиш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. (Монография) – Т.: “Oltin qalam nashriyoti” нашриёти. 2023. – 140 б; Қодиров А. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш: Iqtisodiyot va ta’lim, 2022 й. 23(5), 383-389.; Муродов Ш.М. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш: авт... дисс. и.ф.н. – Т.: 2020. 51б.

⁵ Ш.Т.Хўжаев. Ўсимликларни зараркунандалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 551 б; Сулаймонов ва бошқ. Ўсимликлар карантини асослари. Ўқув қўлланма. “Fan ziyosi” нашриёти 2021 й.; Б.Муродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикасига ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларнинг четдан кириб тарқалишини олдини олишда ўсимликларни карантини тадбирлари. Agro kimyo himoya va o’simliklar karantini Maxsus son [1]. 2023.

карантин хизматини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибалардан фойдаланиш имкониятлари юзасидан асосли тавсиялар тайёрлаш;

халқаро савдо алоқалари кенгайиши шароитида ўсимликлар карантини давлат хизматлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари юзадан таклифлар ишлаб чиқиш;

меваги боғлар ва сабзаёт экинларига зарар келтирувчи организмлар таъсирини ҳисобга олган ҳолда уларга қарши кураш кўлами ўзгариши юзасидан прогнозлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва унинг таркибидаги ташкилотлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт-импорти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари танланган.

Тадқиқот предмети ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт ва импорт қилиш жараёнларида карантин хизматини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, анкета сўровлари, прогнозлаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

зарарли карантин касаллик ва ҳашаротларга қарши курашиш жараёнларида интеграцион усул ва биологик воситаларни қўллаш, кутиладиган зарарларнинг олдини олиш, карантин хизматлари кўрсатиш тизимининг иқтисодий, экологик ва хўжалик самарадорлигини баҳолаш ва ошириш бўйича илмий асосланган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармасини ташкил қилиш, унинг молиялаштириш манбаларини шакллантириш ва ресурсларини карантин хизматлари турлари ва ҳажмига мос тақсимлаш, замонавий хизмат турлари орқали диверсификация қилиш, ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатлар ва карантин рухсатномаларини олиш, транспорт бирлигини очиш ва карантин кўриги далолатномаларини расмийлаштириш учун амалдаги инфляция даражасига мос равишда ўзгарувчи тўловлар миқдорлари таклиф этилган;

халқаро савдо алоқаларининг таъсири ва кенгайиши шароитида миллий карантин тизимининг ҳуқуқий базасини халқаро стандартларга мослаштириш, ўсимликлар карантини тизимини рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилиш, “Риск-басед апроач” (хавфга асосланган ёндашув) технология ва усуллари самарали қўллаш, ўсимликлар карантини давлат хизматлари фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари ва уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизм элементлари тавсия этилган;

меваги боғлар ва сабзаёт экинларининг карантин организмлари билан зарарланиш ва уларга қарши кураш кўлами ўзгаришининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

карантин хизматлари кўрсатиш жараёнларида зарарли ҳашаротларга қарши кураш тадбирларида қўлланиладиган усуллар натижадорлигини таъминлаш, таклиф қилинган ҳосилаларни инобатга олган ҳолда карантин давлат хизмати тизимининг иқтисодий, экологик ва фаолият юритиш самарадорлигига баҳо бериш усули экспертлар ва бошқа фойдаланувчилар учун тавсия қилинган;

миллий карантин тизимида хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, электрон платформалар орқали фитосанитар ҳужжатлар айланишини ташкил этиш ва ахборот алмашиш самарадорлигини оширишга қаратилган ташкилий-технологик таклифлар ҳамда уларни амалиётга жорий этиш механизмлари ишлаб чиқилган;

рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда “Risk-based approach” (хавфга асосланган ёндашув) технологияларини қўллаш орқали ўсимликлар карантини давлат хизматлари кўрсатиш самарадорлигини ошириш ва карантин тизими фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари, шунингдек, уларни амалга оширишнинг иқтисодий механизм элементлари ишлаб чиқилган ва амалиётга қўллаш йўллари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ўсимликлар карантини бўйича хорижий тажрибалар ва халқаро тартиб-қоидаларнинг таҳлил қилинганлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва рақобатбардошлигини ошириш, экспортни кенгайтириш борасидаги шаклланган вазият, илмий ишланмаларни қиёслаш асосида ижодий ўрганилганлиги, тадқиқот жараёнида методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадли қўлланилганлиги, ахборотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалиётда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг натижалари бўйича тайёрланган илмий ишланмалар ва тавсиялар ўсимликлар карантин хизматини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўсимликларнинг карантин организмлари, ҳашарот, нематода, касаллик ва бегона ўтларга қарши кураш борасида шаклланган иқтисодий билимларни такомиллаштириш ҳамда ҳудудий инспекциялар фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши фаолиятларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, экспорт-импортини ташкил қилиш дастурлари ва бошқа амалий тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётда кенг фойдаланиш имкониятларини яратиш нуқтаи назардан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқотда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва услубий-амалий тавсиялардан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида тегишли фан дастурлари, ўқув ва ўқув-услубий қўлланмаларни тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ўсимликлар карантин хизмати фаолиятининг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

зарарли карантин касаллик ва ҳашаротларга қарши курашиш жараёнларида интеграцион усул ва биологик воситаларни қўллаш, кутиладиган зарарларнинг олдини олиш, карантин хизматлари кўрсатиш тизимининг иқтисодий, экологик, хўжалик самарадорлиги баҳолаш бўйича услубий тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 8-апрелидаги №06/28-4-05/2445-сон маълумотномаси). Натижада, карантин тадбирларининг иқтисодий, экологик ва хўжалик самарадорлигини баҳолашнинг ягона услубий ёндашуви шакллантирилиб, бошқарув қарорларининг асосланганлик даражаси оширилган;

Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармасининг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш, унинг молиялаштириш манбаларини кенгайтириш, маблағларни тақсимлаш тамойилларини такомиллаштириш ҳамда фитосанитар сертификатлар, карантин рухсатномалари ва карантин назорати хизматлари учун инфляция даражасига мос ўзгарувчан тўловлар тизимини жорий этиш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 8-апрелидаги №06/28-4-05/2445-сон маълумотномаси). Натижада, карантин хизмати молиявий барқарорлигини таъминлаш имкониятлари кенгайган ҳамда жамғарма маблағлари ҳажми 10 баравардан ортиқ кўпайган;

халқаро савдо алоқалари кенгайиши шароитида миллий карантин тизими ҳуқуқий базасини халқаро стандартларга мослаш, тизимда рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда “Risk-based approach” (хавфга асосланган ёндашув) технологияларини қўллашни назарда тутувчи ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 8-апрелидаги №06/28-4-05/2445-сон маълумотномаси). Натижада, фитосанитар хужжатларни расмийлаштириш муддати 30 кундан 1 кунгача қисқариб, хизмат кўрсатиш харажатлари 15–20 фоизга камайтирилган;

экинларнинг карантин организмлари билан зарарланиши ва уларга қарши кураш кўлами ўзгаришининг 2026-2030 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизим ташкилотларида амалиётда жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2026 йил 8-апрелидаги №06/28-4-05/2445-сон маълумотномаси). Унга кўра республика миқёсида 2030 йилгача карантин организмларига қарши биологик кураш кўлами 2024 йилдаги 2347 гектардан 4077 гектарга, қарши курашга жалб қилинган техник воситалар эса 13821 млн. сўмдан 25327 млн.сўмга ортиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та маҳаллий илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари бўйича мавжуд талаблар доирасида 14 та илмий ишлар эълон қилинган бўлиб, шундан 11 таси маҳаллий, 3 таси эса хорижий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, жами 159 бетда баён этилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети ўз аксини топган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган ҳамда олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги ва нашр этилганлиги ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг **“Ўсимликлар карантини давлат хизматини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобда карантин хизматини ривожлантириш зарурати, ўзига хослиги ва унга таъсир этувчи омиллар билан боғлиқ назарий жиҳатлар, карантин соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналашлари батафсил ёритилган.

“Карантин” италянча “қирқ кун” атамасининг этимологик маъносини бериб, дастлаб Италияда 1374 йилда шарқий мамлакатлар портларидан келган кемалар орқали кириб келаётган ва тарқалаётган “қора вабо”дан аҳолини ҳимоялаш учун жорий қилинган. Ўсимликлар карантин тадбирлари эса илк бор Францияда амалга оширила бошлаган. Ўша даврлардан бошлаб халқаро савдо-сотик ривожланиши билан бирга импортер мамлакатлар иқтисодиётига жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган зарарли организмларнинг кириб келиши ва тарқалиши хавфининг олдини олиш, фитосанитар хавфсизликни таъминлаш ўсимликлар карантини ташкилотининг асосий вазифалари қилиб белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт-импорти ҳажмининг ошиши ва географиясининг йил сайин кенгайиши натижасида фитосанитар назоратнинг мураккаблашиши фитосанитар назорат ва сертификатлаш тизимида замонавий инновацион рақамли технология ва усулларни жорий этишни тақозо қилмоқда. Ички ва давлатлараро миграция жараёнлари, қушлар ва ҳашаротлар, сув ва шамол ёрдамида зарарли организмларнинг кириб келиши, табиий кўпайиши ва тарқалиши оқибатида уларнинг бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга кўчиб ўтиши юз беради. Шу боисдан, республикамизда ташкил этилган ўсимликлар карантин хизмати ҳудудларда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш, халқаро савдо-иқтисодий муносабатларида давлат манфаатини ҳимоя қилиш, маҳсулот етиштирувчилар ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан халқаро фитосанитар стандарт, меъёрлар ва талаблар бажарилишини назорат қилишда жамият ва бизнес эҳтиёжларини мувофиқлаштирувчи фаолият ҳисобланади.

Ўсимликлар карантини соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, шу жумладан, карантин организмларининг кириб келишининг олдини олиш, улар пайдо бўлган ўчоқ майдонларни ўз вақтида йўқотиш, маҳсулот ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларида карантин қоидаларга риоя этиш, илмий салоҳиятни ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш озик-овқат хавфсизлигини ва аҳолини шу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамият касб этади (1-расм).



1-расм. Республикамизда ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари⁶

Одатда зарарли организмларга қарши кураш усулларига баҳо беришда фойдаланилган усулнинг биологик, хўжалик ва иқтисодий самарадорлиги эътиборга олинади. Аммо, ҳозирда маҳсулотнинг органик хусусиятларига устуворлик берилиши, жумладан, ҳашаротларга қарши кураш усулларига экологик жиҳатдан баҳо беришни тақозо этади. Кураш тадбирларидан ҳосил бўлган натижалар муҳим ҳисобланади ва улар қуйидаги асосий йўналишлар бўйича, яъни: экин майдонида зарарли ҳашаротларга қарши ёппасига қирувчи заҳарли химикатлар билан ишлов бериш орқали ва ҳашаротлар сонини экинга зарар келтириши мумкин бўлган миқдордан пастда ушлаб туришни кўзда тутиб

⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

биологик қарши курашиш. Шу жиҳатдан, зарарли ҳашаротларга қарши курашда биологик, хўжалик, иқтисодий ва экологик самарадорликни уларнинг ўзига хос кўрсаткичлари орқали баҳолаш муҳим услубий-амалий ёндашиш ҳисобланади ва ўсимликларни ҳимоя қилишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилади (2-расм).



2-расм. Карантин объектлари ва бошқа зарарли ҳашаротларни йўқ қилиш йўналишлари ва усуллари самарадорлигининг ҳосилалари⁷

Маълумки, зарарли организмларга қарши кураш усулларини баҳолашда, услубий ёндашиш жиҳатдан, тажриба ва назоратдаги майдон кўрсаткичлари солиштирилади. Бунда, зарарли ҳашаротнинг тажриба ва назорат майдонлари ўртасида ўтишга йўл қўйилмайди. Ҳозирда зарарли ҳашаротларга қарши кураш усулларини баҳолашда биологик самарадорлик кўрсаткичи (ҳашаротлар сони мутлоқ ва нисбий камайиши) муҳим ҳисобланади, аммо, бунда иқтисодий самарадорлик баҳоланмайди. Бу масала одатда агрономлар вазифасига кириши ва тегишли иқтисодий баҳолаш усулининг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади.

Зарарли ҳашаротларга қарши курашда қўлланилган усулнинг хўжалик самарадорлигини (ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати бўйича) баҳолашда ўтган,

⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

яъни, ҳашаротлар билан зарарланмаган йиллардаги ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати кўрсаткичлари асосида амалга ошириш тавсия қилинади (XS_{Hos}):

$$XS_{Hos} = \frac{UH_{sof} - H_{zy}}{UH_{sof}} \times 100 \quad (1)$$

Бу ерда, UH_{sof} – ҳашарот билан зарарланмаган олдинги йиллардаги ёки зарарланмаган базис йилдаги ўртача ҳосилдорлик, (ц/га); H_{zy} – ҳашаротлар билан зарарланган жорий йилдаги (хўжалик самарадорлигига баҳо берилаётган йил) ҳосилдорлик, (ц/га). Ушбу кўрсаткич ҳашаротга қарши қўлланилган усул натижасида бир гектар майдонда сақлаб қолинган ҳосил миқдорини ўзида акс эттиради.

Зарарли ҳашаротга қарши қўлланладиган кураш усулининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда эса қуйидагича ёндашиш тавсия қилинади (SM_{Sif}).

$$SM_{Sif} = \frac{MM_{TZ} - ZM_{ZZ}}{MM_{TZ}} \times 100 \quad (2)$$

Бу ерда, MM_{TZ} – ҳашарот билан зарарланмаган олдинги йилда хўжаликда юқори баҳоларда сотилган маҳсулотлар ҳажми, (тонна); ZM_{ZZ} – ҳашарот билан зарарланган жорий йилда хўжаликда юқори баҳоларда сотилган маҳсулотлар ҳажми, (тонна). Ушбу самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ зарарли ҳашаротларга қарши кураш усуллари натижасида хўжаликда етиштирилган маҳсулотнинг неча фоизини паст баҳоларда сотишдан сақлаб қолинганлигини билдиради.

Қарши курашда қўлланилган усулларнинг иқтисодий самарадорлигини, шунингдек, ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига олинган маҳсулотнинг қиймат кўрсаткичлари фарқи орқали баҳолаш таклиф қилинади (IS_{Uroj}):

$$IS_{Uroj} = \frac{PX_{Fakt}}{100} \times XS_{Hos} \times SB_{Sred} - HK_{Xarj} \quad (3)$$

Бу ерда, PX_{Fakt} – ўтган йилда хўжаликдаги ҳосилдорлик (ц/га);

SB_{Sred} – ўтган йилда олинган маҳсулотнинг ўртача сотиш баҳоси, (ц/сўм); HK_{Xarj} – ўтган йилдаги хўжаликда ҳашаротга қарши кураш билан боғлиқ харажатларнинг бир гектарга тўғри келадиган қисми, (сўм/га). Бу кўрсаткич хўжаликда бир гектар майдон ҳисобига сақлаб қолинган маҳсулотни сотиш натижасида олинган кўшимча фойдани акс эттиради.

Зарарли ҳашаротларга қарши кураш усуллари орқали маҳсулот сифати пасайишининг олди олиш ҳисобига олинган кўшимча фойдани сифат бўйича аниқлаш учун қуйидаги формула (EE_{Qual}) таклиф қилинади.

$$EE_{Qual} = \frac{PX_{Fakt}}{100} \times SM_{Sif} \times (SSM_{Pric} - AVB_{Pric}) \quad (4)$$

Бу ерда, SSM_{Pric} – сотилган сифатли маҳсулотнинг юқори баҳоси, (ц/сўм); AVB_{Pric} – жами сотилган маҳсулотнинг жорий баҳоси, (ц/сўм.)

Аниқланган кўрсаткич ҳашаротга қарши кураш натижасида бир гектар майдондан ҳосил сифатининг пасайишини олдини олиш ҳисобига олинган

кўшимча фойдани билдиради. Улардан фойдаланиб, зарарли ҳашаротларга қарши қўлланилган усуллар натижасида эришилган ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати пасайишининг олдини олиш оқибатида олинган кўшимча фойданинг йиғиндиси сифатида умумий иқтисодий самарадорлик аниқланади (YIS).

$$YIS = IS_{Uroj} + EE_{Qual} \quad (5)$$

Бу – 1 га майдон ҳисобига ҳашаротга қарши кураш орқали ҳосилдорлик ва маҳсулот сифати ортиши асосида олинган кўшимча фойда ҳисобланади.

Ҳашаротга қарши кураш усуллари экологик самарадорлиги тупроқ, сув ва атмосфера ифлосланиши даражаси ўзгаришини баҳолаш имконини беради. Бунда, қуйидагилар эътиборга олинishi лозим, яъни:

– ҳашаротларга қарши кураш усулининг экологияга келтирадиган зарари асосини қўлланилган заҳарли кимёвий препаратлар ташкил қилиши;

– кураш усулларининг экологик самарадорлигини баҳолашда ҳашаротга қарши қўлланилган усул харажатлари асос бўлиб ҳисобланади.

Демак, ҳашаротга қарши кураш усуллари экологик самарадорлигига баҳо беришда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади (ES_{QX}):

$$ES_{QX} = \frac{B - Z_{Сарф}}{X_{Сарф}} \quad (6)$$

B – экологик нисбий фойда, яъни, кимёвий препарат ўрнига биологик кураш усули ҳисобига хўжаликда экологик зарар камайиши, (сўм/га);

$Z_{Сарф}$ – хўжаликда кимёвий препаратлар ҳисобига кўрилган экологик зарар миқдори – сўм/га);

$X_{Сарф}$ – зарарли ҳашаротларга қарши кураш тадбирларига сарфланган жами харажатлар йиғиндиси (кимёвий, биологик ва бошқа, сўм/га).

Диссертациянинг “**Ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятининг ҳозирги ҳолати таҳлиллари**” деб номланган иккинчи бобида республика карантин хизматининг ҳозирги ҳолати, соҳанинг мутахассислар таъминоти ва хорижий тажрибалари, таҳлил қилинган ва хулосалар тайёрланган.

Ўсимликлар карантини хизмати (мева-сабзавотлар мисолида) маҳсулотни етиштириш, сақлаш, саралаш, қайта ишлаш, қадоклаш, сотиш, экспорт ва импорт қилиш билан шуғулланувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар фақатгина экспорт ва импорт қилиш жараёнида эмас, балки, боғ ва токзорлар ташкил қилишда кўчатлар карантин назорати, уларни парваришда зарарли организмлардан ҳимоялаш каби жараёнларини ҳам қамраб олади.

Хусусан, тадбиркорлар экиш материаллари, кўчат ва уруғларни импорт қилишда карантин хизматига мурожаат қилади. Кўчат ва уруғ импортида экспортёр мамлакатдаги фитосанитар ҳолат таҳлили учун вакил юборилади ва у фитосанитар хавфи бўйича таҳлил ўтказади. Карантин организмнинг кириб келиш хавфи мавжуд бўлган ҳолатларда импорт қилишга рухсат этилмайди. Мева-сабзавот маҳсулотларини карантин кўригидан ўтказиш 2017 йилгача бўлган даврда ўта мураккаб бўлиб, экспорт-импорт учун сертификат олиш ва хужжат

расмийлаштириш турли идораларда, баъзан, маҳсулот юклаш жойидан узоқда амалга оширилиб, икки уч кун кетарди.

Ҳозирда карантин соҳасини рақамли технологиялар асосида ислоҳ қилиш натижасида фитосанитар сертификат ва карантин рухсатномаси бериш муддати 15-30 кундан 1 кунга туширилди. Бунда рухсат бериш ҳужжатларини онлайн форматда олиш тартиби муаллиф таклифи бўлиб, карантин амалиётига жорий қилинган.

Фитосанитар сертификат расмийлаштириш ҳудудий бошқармалар, дала назоратини олиб борувчи агроном инспекторлари томонидан амалга оширилиб, юк истемолчига етиб боргунга қадар жараёнда фитосанитар ҳолатига агроном-энтимолог инспектор жавоб бериши белгилаб қўйилган. Амалга оширилган тадбирлар ўсимликлар карантини чегара масканларидан тез бузиладиган мева-сабзавотларни қисқа муддатда ўтказиш, вақт ва маҳсулот йўқотишларининг олдини олишга имкон яратиб берди.

Экспортбоп мева-сабзавотлар ҳажмини ошириш бўйича амалга оширилган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар натижасида 2017 йилдан бошлаб “Ўсимликлар карантини тўғрисида” ги қонунга “Фитосанитар дала назорати ва уни ташкил этиш” моддаси киритилди. Қуйида республикада олиб борилган дала назорати бўйича маълумотлар келтирилган ва, унга кўра, карантин организмлари билан зарарланган майдонлар йиллар давомида ошиб борганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).


1-жадвал.

**Республика бўйича амалга оширилган дала назорати
ҳолатининг ўзгариш динамикаси, (га)⁸**

Худудлар номи	2017 й.	2019 й.	2021 й.	2023 й.	2023 й. 2017 й. га нисбатан, %
Қорақалпоғистон Республикаси	251420	274528	301258	496520	197,5
<i>вилоятлар</i>					
Андижон	289413	303254	314140	194756	67,3
Бухоро	278125	297215	316871	286419	103
Жиззах	213657	236501	267945	485677	227
Қашқадарё	301254	309478	348997	513919	170,6
Навоий	189741	198745	227112	188035	99,1
Наманган	231401	278140	387456	202170	87,4
Самарқанд	302450	315204	348254	378323	125
Сирдарё	178415	189245	232548	245896	137,8
Сурхондарё	278914	301254	338715	342484	122,8
Фарғона	245314	269451	314891	256475	104,5
Хоразм	176102	188012	235914	268140	152,2
Тошкент	312547	322749	372578	359845	115,1
Тошкент шаҳри	98145	109805	127482	7 464	7,6
Жами	3346898	3593581	4134161	4226423	126,2

⁸ Муаллиф томонидан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Дала назорати бўйича зарарланган майдонларда тегишли тартибда қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади ва замонавий усуллар орқали амалга оширилади. Ҳозирда карантин хизматлари томонидан зарарли ҳашаротлар фенологияси бўйича феромонторинг юритиш йўлга қўйилган. Қишлоқ хўжалиги субъектларига Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан, феромонторинг тадбири учун бепул ёритгичли феромон тутқичлар тарқатилиб, ёруғ ва қоронғи пайтларда ҳам мунтазам кураш чора-тадбирлари олиб борилади. Бу тадбирлар эса маҳсулотларнинг фитосанитар тозалигини таъминлаш ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади (3-расм).




3-расм. Республика бўйича феромонторинг учун тарқатилган феромон тутқичлар сони ва харажатларининг ўзгариш динамикаси⁹

Барча экспортга чиқариладиган маҳсулотлар фитосанитар тозалиги импортер мамлакатларнинг фитосанитар талаби бўйича карантин назоратидан ўтказилади. Фитосанитар стандарт талабларига жавоб берадиган бўлса сертификат берилиб, транспорт бирлиги инспектор томонидан муҳрланиб, экспортга рухсат берилади.

Статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда мева-сабзавотлар асосан Россия (37%), Покистон (16,7%), Хитой (12,3%) ҳамда Қозоғистон (10,3%) давлатларига экспорт қилинган. Таҳлиллар кўрсатишича, 2017-2023 йилларда экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ва карантин назорати ҳажми ҳам ортган. Жумладан, 2018 йилда мева ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 2017 йилга нисбатан 36 фоизга ортганлиги кузатилган (4-расм)¹⁰.

⁹ Муаллиф томонидан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

¹⁰ Муаллиф томонидан Миллий статистика қўмитаси маълумотларига асосан ишлаб чиқилган.



4-расм. Республика бўйича экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари ҳажми ва карантин назорати ҳажмининг ўзгариши¹¹

Умуман, карантин хизмати учун тўловларни оптималлаштириш ҳисобига ушбу тизимни замонавий лаборатория ва мобил техникалар билан таъминлаш, ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш, янги технология ва усулларни жорий этиш, тизим субъектлари фаолиятини такомиллаштириш ва хизматлар самарадорлигини ошириш имкониятлари яратилди.

Диссертация ишининг **“Ўсимликлар карантини давлат хизматини такомиллаштириш йўналишлари”** деб номланган учинчи бобида халқаро савдо-сотик алоқаларининг кенгайиши ва бозор рақобатларининг кучайиши шароитида карантин хизмати субъектлари фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари, мевали боғлар ҳамда сабзавот экинларининг карантин организмлари билан зарарланиши ва уларга қарши кураш кўлами ўзгаришининг прогноз кўрсаткичлари асослаб берилган.

Жумладан, карантин хизматлари тизимида 2017 йилга қадар фитосанитар сертификат ва карантин рухсатномасини бериш ҳамда фумигация хизматлари учун тўловлар жуда паст бўлиб, ҳаттоки бир дона сертификат беришдан ҳам карантин инспекцияси зарар кўрган. Иккинчи томондан, карантин таҳлили ва рухсатномалар бериш харажати ортиши тадбиркорлар учун ортиқча молиявий юкломани юзага келтирганини ҳисобга олиб, бу хизматларга юкларнинг миқдорига қараб табақалашган хизмат ҳақини белгилаш таклиф этилган (2-жадвал).

Карантин хизмати тўловларни оптималлаштириш карантин субъектлари фаолиятини замонавий лаборатория ва зарур техникалар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш ва карантин хизмати самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.

¹¹ Муаллиф томонидан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.

Ўсимликлар карантини хизмати томонидан маҳсулотларни карантин кўригидан ўтказиш учун тўловлар миқдори¹²

Т/р	Давлат хизматлари номи	Ҳужжат номи	Хизмат баҳоси (сўм)	
			2018 йилгача	Муалиф таклифи асосида
1.	Карантин остидаги юкларга импорт карантин рухсатнома расмийлаштириб бериш	<i>Рухсатнома</i>	ҳар партия учун 14000	БҲМ нинг бир баравари миқдорида
2.	Экспорт маҳсулотларига фитосанитар сертификат расмийлаштириб бериш			
2.1.	40 кг. гача бўлган бир дона жўнатма (кўл юки) га	<i>сертификат</i>	2 000	БҲМ нинг 15 фоизи миқдорида
2.2.	500 кг. гача юк ортилган бир транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	2 000	БҲМ нинг 20 фоизи миқдорида
2.3.	1 т. гача юк ортилган бир транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	2 000	БҲМ нинг 25 фоизи миқдорида
2.4.	1 т. дан ортиқ юк ортилган транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	ҳар партия учун 2000	БҲМ нинг 50 фоизи миқдорида
3.	Республика ичида фитосанитар сертификат расмийлаштириб бериш			
3.1.	500 кг. дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлиги учун	<i>сертификат</i>	-	БҲМ нинг 10 фоизи миқдорида
4.	Импорт юкларни очиш ва ҳужжат бериш (ҳар бир транспорт бирлигига)	<i>Юкни очиш далолатномаси</i>	ҳар партия учун 14000	БҲМ нинг бир баравар миқдорида
5.	Импорт-экспорт маҳсулотидан лаборатория намунаси олиш ва экспертизадан ўтказиш	<i>экспертиза хулосаси</i>	-	БҲМ нинг 50 фоизи миқдорида

Халқаро ташқи ва маҳаллий ички қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида карантин организмларининг кириб келиши жаҳон ва миллий иқтисодиёт учун ҳавф туғдиради. Шу боис, экспортда Ўзбекистондаги мавжуд фитосанитар талабларни халқаро фитосанитар ва ЖСТ ташкилоти томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чора-тадбирларига амал қилиш бўйича битим” талаблари ҳамда “техник асослар”ларига риоя қилишни тақозо этади. Чунки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш жараёнида ўсимликлар карантини бўйича техник асосланмаган ҳар қандай талаб “асоссиз талаблар” сифатида қабул қилинади.

ЕИ давлатларида карантин тизими юқори даражада рақамлашган бўлиб, зарарли организмларнинг ҳавфлилик даражаси (PRA – Pest Risk Analysis) тизими орқали баҳоланади ва у маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш, касаллик, зараркунандаларни назорат қилиш ва халқаро савдони соддалаштиришга йўналтирилган. Уларни Ўзбекистонда қўллаш 27 та ЕИ мамлакатлари экспорт бозорига кириш ва географиясини кенгайтириш имконини беради (3-жадвал).

¹² Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ЕИ давлатлари карантин хизмати тажрибасининг Ўзбекистон учун муҳим жиҳатлари¹³

т/р	ЕИ ўсимликлар карантини тизими муҳим жиҳатлари	т/р	Хорижий тажрибаларнинг Ўзбекистон учун муҳим жиҳатлари
1.	Қатъий фитосанитария талаблари (Plant Health Regulation)	1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ЕИ бозорига экспорт қилишда халқаро стандартларга мослашиш имконини беради
2.	Зарарли организмлар ягона рўйхати ва мониторинг тизими	2.	Ўсимликларнинг карантин ва хавfli организмларининг кириб келиш хавфини камайтиради
3.	TRACES электрон сертификатлаш тизими	3.	Экспорт жараёнини рақамлаштириш ва ҳужжат айланиши ва шаффофлигини таъминлайди
4.	Илмий асосланган хавф таҳлили (Pest Risk Analysis)	4.	Янги бозорларга чиқишда маҳсулот хавфсизлигини исботлашни енгиллаштиради
5.	Чегара назорати ва карантин кўриги тизими	5.	Импорт ва экспортда маҳсулот сифатини кафолатлашга ёрдам беради
6.	Аккредитация ва лаборатория стандартлари	6.	Миллий лабораторияларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришга туртки бўлади
7.	ЕИ давлатлари ўртасида ягона қоидалар	7.	Ўзбекистон учун 27 давлат бозорига бир хил талаблар асосида чиқиш имконини беради
8.	Барқарор қишлоқ хўжалиги ва “яшил келишув” сиёсати	8.	Экологик тоза маҳсулот етиштириш ва органик экспорт салоҳиятини оширади
9.	Фитосанитария бўйича техник ёрдам дастурлари		Мутахассислар малакасини ва институционал салоҳиятни ошириш имконини беради
10.	Муттасил мониторинг ва эрта огоҳлантириш тизими	10.	Зарарли организмларни эрта аниқлаш ва йўқотиш чорасини кўриш имконини оширади.

